



**ЕРЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ
ВА
МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ИНСТИТУЦИОНАЛ МАСАЛАЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ
ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ

ЎЗГИДРОМЕТ МАРКАЗИ

ИКАРДА ХАЛҚАРО МАРКАЗИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЕРЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МАСАЛАЛАРИ

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент-2012

УДК: 631.4+394.414+631.81

Ўзбекистон Республикасида ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг институционал масалаларига бағишланган ушбу тўпламда таниқли тупроқшунос олимлар, мазкур соҳада илм ютуқларини амалда қўллаётган ташкилот ва муассасалар мутахассислари, ёш тадқиқотчиларнинг илм-фан ва маърифатга қўшаётган хиссалари акс этган.

«Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг институционал масалалари» мавзусида ўтказилаётган Республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўпламига Ўзбекистон ерлари: ҳолати ва истикболлари, ер ва сув ресурсларини бошқаришнинг илмий ва ҳуқуқий асослари, тупроқ унумдорлигини оширишда янги технологиялар, ерлардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик асосларига доир республика ва халқаро миқёсдаги фундаментал, илмий-амалий ҳамда инновацион изланишлардан олинган натижалар киритилган.

Тўплам профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар, амалиёт ходимлари, давлат ва жамият бошқарув идоралари ходимларига фойдаланиш учун тавсия этилади.

Таҳририят хайъати

Р.К.Кузнев (масъул муҳаррир), Л.А.Гафурова, А.Н.Нигматов, С.С.Сангинов, З.И.Халикулов, Т.А.Абдурахмонов, С.А.Абдуллаев, З.А.Жабборов, М.Ф.Фахрутдинова, Г.М.Набиева, Г.Т.Джалилова, Д.А.Қодирова, М.Э.Сандова, Н.И.Шадиева, В.Х.Шеримбетов, О.Х.Эргашева, Д.Ю.Махкамова, Н.С.Пахрадинова (масъул котиб).

Тўплам Ўзбекистон Экологик ҳаракати Илмий Кенгашининг тавсиясига биноан чоп этилмоқда (баённома №5, 02.03.2012й.).

3. Холиков Б.М., Номозов Ф. - Такрорий дуккаклар-дон ва оралик экинлари тупрок унумдорлигини ошириш гарови. Тупрок унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари (1-кисм). Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. Тошкент-2007 йил, 162-164 бетлар.

А.Ж.Арзымбетов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

АМУДАРЁ ҚУЙИ ҚИСМИ ЧАП ҚИРҒОҒИ ТУПРОҚЛАРИ ШЎРЛАНИШИНИНГ АЙРИМ САБАБЛАРИ


Ҳозирги вақтда Амударё қуйи қисми чап қирғоғида деҳқончилик қилинадиган ерларнинг қарийб 60 % га яқини ҳар хил даражада шўрланган. Бу ўз навбатида ерлардан олинadиган ҳосил сифати ва миқдorigа ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ерларнинг шўрланиши кишлок хўжалигида олиб бориладиган ҳар бир жараёни мураккаблаштириш билан биргаликда ерларга ишлов бериш, парваришlash, ўғитlash учун керак бўлган хом-ашёларнинг миқдорини ва баҳосини ошишига, унинг оқибатида эса фермер хўжаликлари даромадларининг камайишига олиб келмоқда. Ерларнинг шўрланишини олдини олиш учун давлатимиз томонидан деярли ҳар йили янги чора-тадбирлар, тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Бу албатта давлатимизнинг бу соҳага бўлган эътиборининг кучли эканлигидан далолат беради. Хўжайли тумани тупроқлари шўрланишининг асосий сабаблари ҳам турлича. Асосий сабабларидан албатта табиий ва антропоген таъсирларни кўрсатишимиз мумкин. Масалан тупрок пайдо қилувчи она жинс таркибида сувда эрувчан тузлар миқдорининг кўплиги, экинларни суғориш даврида суғориш агротехикасига риоя қилинмаслик, кузги ва баҳорги туз ювиш даврида фойдаланиладиган сувнинг сифатини ямонлиги, коллектор-дренаж тизимининг сифатли ишламаслиги ҳам асосий сабаблардандир. Бунинг оқибатида тупрокнинг ҳайдалма қатлами таркибидаги сувда эрувчан тузлар, тупрокнинг қуйи қатламларигача етиб ювилади, лекин туз ювиш учун фойдаланиладиган сув таркибидаги тузлар ҳайдалма қатламда яна тўпланади. Бу ҳол ҳар йили такрорланиши туфайли ерларнинг шўрланиш даражаси ва майдонлари ортади. Бунинг оқибатида кишлок хўжалигига ярқли бўлган суғориб экиладиган экин майдонларининг ҳар йили камайишига олиб келмоқда. Қорақалпоғистон шароитида иқлимнинг кескин континенталлигини ҳисобга олсак, рельеф ва иқлимнинг шўрланиш жараёнига таъсири кўз олдимизда сўзсиз гавдаланади. Ерларнинг шўрланишига антропоген омиллар кучли таъсир қилди ва ҳозир ҳам таъсир қилмоқда. Масалан Марказий Осиёдаги ягона денгиз Оролнинг қуриши туфайли ҳудудда тупроқларнинг шўрланиши, саҳроланиш каби жараёнлар кучайди. Бунинг таъсирида юзага келган муаммоларни бутунлай бартараф этиш учун давлатимиз томонидан хайирли ишларга қўл урилди ва бу ўз самарасини бермоқда. Қорақалпоғистон Республикасида кишлок хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 9146.9 минг гектарни ёки республика ер фондининг 31.9 % ни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда Орол денгизи сатхи пасайиши ва шунга боғлиқ ҳолда Амударё ҳавзасидаги ер усти ва ер ости сувлари меъёрининг ўзгариши натижасида кишлок хўжалигида фойдаланилаётган ерлар сифатининг ўзгариши кузатишмоқда. Денгиз сатхи пасайишининг давом этиши Қорақалпоғистонда ер ресурслари сифатининг салбий томонга ўзгаришининг бош омилига айланди. Шу билан бирга кишлок хўжалиги ерлари сифатининг ёмонлашуви табиий муҳитга антропоген таъсирининг ўсиши билан ҳам фаоллашди. Маълумки, Қорақалпоғистон Республи-касида ер ости сувлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига қараганда ер бетига яқин жойлашган. Бу ерда йирик суғориладиган ҳудудларда ер ости сувлари сатхи 1-3 метргача ўзгаради. Кичикроқ суғорма майдонларда эса улар 3 метрдан пастда жойлашган. Грунт

сувларнинг сатхи худуднинг ўзлаштирилганлик даражаси, сув билан таъминланганлиги ва дренаж тизимларининг ҳолатига боғлиқ.

Шўрланиш даражаси юкори ерлар 50171 гектарни ташкил килиб, унинг юкори кўрсаткичлари Чимбой (8125 га), Кегейли (6873 га), Қораузак (5709 га) туманларига тўғри келади. Амударё сув оқимининг камайиши билан Қорақалпоғистонда сув таъминоти етишмайдиган ерларининг майдони кенгайди. Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг ўзгаришига, булардан ташқари, ерга солинадиган минерал ўғитларнинг таркиби ва ҳажми ҳам таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарур.

Қорақалпоғистон республикасида қарийб 5223503 минг/га ер қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш учун фойдаланилади. Суғориладиган ерларнинг 515048 минг/га) 77 % яқини (400232 минг/га) ҳар хил даражада шўрланган бўлиб, шундан қарийб 12% га (53262 минг/га) яқини кучли, 36% и (182718 минг/га) ўрта ва 31% га яқини (164252 минг/га) кучсиз шўрланган ерлардир. Кучли шўрланган майдонлар ҳажми кейинги йилларда қўпайганлигини кўришимиз мумкин. (1-расм).



1-расм

Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларида бажарилган дастлабки тадқиқотларда аннқланишич, қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлари тупроқларида оқ доғли шўрланишлар, хайдов қатламларида гумуснинг камайиши, хайдов ости ва ундан қуйи қатламларда сувда эрувчан тузлар кристаллари тўпланиши жараёнлари давом этаётганлиги аниқланган. Яйлов минтааси тупроқлари қопламларида экологик ҳолатнинг бузилиши ва табиий-антропоген омиллар таъсирида тупроқларнинг юза қатламида деградация жараёнлари давом этаётганлиги кузатилган.

Юкорида таъкидлаганганидек, Қорақалпоғистонда ер ости сувлар сатхи ер бетига яқин. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун грунт сувлари сатҳини маълум бир меъёрда саклаб туриш лозим. Буни фақат етарли узунликдаги ва самарали ишловчи дренаж тизимлари ва илмий асосланган алмашлаб экишни қўллаш орқалигина амалга ошириши мумкин.

Адабиётлар

1. Қорақалпоғистон республикаси паспорти. 2011.
2. Ўзбекистон республикаси Миллий ҳисоботи. 2011. 46-47 б.

Н.М.Илхомов

Р.Р.Шредр номли Мева –Шарбат Боғдорчилик,узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси

ТУПРОҚДА НАМ САҚЛОВЧИ ҚУМТЎСАР ЎСИМЛИК

Қандим-турондошлар оиласига мансуб ўсимликдир. Унинг 100 дан ортиқ турлари бўлиб, улар бир-бирларидан асосан мевалари ва пўстлоқлари билан

Тошкент вилояти оҳангарон тумани сўғориладиган тупроқларининг унумдорлигини бошқариш тўғрисида <i>М.Атабоев, Х.Номозов, М.Каримов</i>	335
Фтор бирикмалари таъсирида ўсимликларнинг илдиз орқали сувда эрувчи моддаларни чиқариш хусусиятлари <i>Н.Норбоев, Н.Халилова</i>	338
Тупроқ унумдорлигини яхшилашнинг самарадор усуллари <i>И.Н. Хошимов, М.М.Саримсақов, А.Жўраев, Р.Рахмонов</i>	341
Амударё қуйи қисми чап қирғоғи тупроқлари шўрланишининг айрим сабаблари <i>А.Ж.Арзымбетов</i>	344
Тупроқда нам сақловчи қумтўсар ўсимлик <i>Н.М.Илхомов</i>	345
Фермер хўжаликлари ер участкаларини йўқламадан ўтказишда ГАТ (геоахборот тизими)ни қўллаш <i>А.Инамов, Ж.Лапасов</i>	347
Развитие земледелия и улучшение почв в условиях опустынивания и деградации земель <i>И.Бекмирзаева, У.Назаркулов, Т.Бегдуллаева</i>	349
Внедрение нулевой обработки почвы для устойчивого сельского хозяйства в засушливых условиях Каракалпакстана <i>А.Нурбеков, З.Зиядуллаев</i>	352
Ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашда “Мелиоратив кадастрнинг” аҳамияти <i>Ғ.Т.Бекмирзаев, С.Р.Камилов, Н.О.Эргашева</i>	355
Ер - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий воситаси ҳисобланади <i>К.О.Ҳакимов, М.Қ.Муратова</i>	357
Ер бозорини ахборот таъминотида ер кадастрининг ўрни <i>И.Р.Исломқулов</i>	360
Қишлоқ хўжалиги субъектлари учун маълумотлар банкини яратиш зарурияти <i>Ж.Ғ.Мелиев</i>	363
Устозимиз хотирасини ёд этиб <i>Ш.Набиева, Х.Тўлаганова</i>	367
Атроф-муҳит муҳофазаси - менининг тасавурида <i>Х.Тўлаганова, Ш.М.Исҳоқова</i>	369
Оёғимиз остидаги олам <i>Х.Тўлаганова, Э. Махмадазизов, У.Юсупова</i>	371
Иқлим ўзгаришларининг тупроқ таркиби ва ундаги биоконкомплексларга таъсири <i>З.Мирхонова, У.Юсупова</i>	373

Семинар материаллари тўпламига киритилган мақолаларнинг мазмуни учун наشريёт ва таъкилий қўмита жавобгар эмас.

Мақолалар муаллифларнинг матни асосида чоп этилди.